

Research Article

FOUNDATIONS FOR FUTURE CHILD TRAINING

F.M. Oripova¹
N.G. Ikromova²

¹Deputy Director for academic Affairs, secondary school No. 38, Shafirkan district,
Bukhara region, Uzbekistan.

²Deputy Director for academic Affairs, secondary school No. 44, Shafirkan district,
Bukhara region, Uzbekistan.

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11.14

Abstract

The article provides information about the reforms carried out today in our country in the field of quality education and upbringing of the younger generation.

Key words: education, school, international assessment systems, teacher, student.

Шиддат билан ривожланиб бораётган даврнинг жамият олдига қўйиб бораётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда. Стратегик мақсадларга эришиш, янги марраларни забт этиш, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун мамлакатда билимли, тажрибали ва замонавий фикрлайдиган юксак савияли кадрлар, мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Бунинг замирида “Инсон капитали” ётибди. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишда, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача, унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради, бизда эса бу кўрсаткич 4 баробарни ташкил этади.

Президентимиз Шавкат Мирзёев “Инсон капитали”га эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун эса барча имкониятларни сафарбар этишимиз кераклигини таъкидладилар. АҚШда “Инсон капитали” 3 ёшдан 22 ёшгача 210 минг доллар сарфланиб, 31 минг доллар фойда кўрар экан. Жанубий Карейда 130 минг доллар сарфланиб, 2,1 миллион доллар фойда кўрар экан. Ривожланган мамлакатларда “Инсон капитали”га сарфланган ҳар бир сўм 13 баробар ҳисобига қайтади. Ўзбекистонда “Инсон капитали”га 3 ёшдан 22 ёшгача 16 минг доллар сарфланиб, 70 минг доллар фойда олинар экан.

Таълим сифатини халқаро стандартлар асосида баҳолаш орқали дунёнинг бошқа мамлакатлари билан солиштирма таҳлиллар қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-декабрдаги 997-сонли “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Таълим сифатини баҳолаш бўйича қатор тадқиқотларга Халқаро баҳолаш дастурлари: PIRLS - 4-синфда ўқиш ва тушуниш. TIMSS - 4-8- синфларда математика ва табиий фанлар. PISA - 15 ёшли ўқувчиларда ўқиш, математика, табиий фанлардан ва уларга ўқувчиларни тайёрлаш, иштирок этиш белгиланди. Жойларда умумтаълим мактабларидан таянч мактаблар белгиланди, жумладан бизнинг Шофиркон туманидаги 2 ва 38-умумий ўрта таълим мактабларимиз Туманда халқаро тадқиқотлар бўйича таянч мактаби этиб белгиланди.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш **Миллий Маркази** ташкил этилди. Мамлакатимиз буйлаб фаолият қизгин тус олди. Виложт Халқ таълими бошқармаси томонидан ўқитувчилардан тренерлар тайёрланди.

Ўзбекистон 2021-йил тарихда илк бор тадқиқотларга иштирок этиш белгиланди. Лекин 2020 йилги ўтказиладиган PIRLS халқаро синов тадқиқотлари апрель-май ойлари каронавирус пандемияси туфайли номуайян муддатга колдирилди.

PIRLS халқаро баҳолаш тадқиқоти ҳар 5 йилда бир марта бошланғич синф битирувчи ўқувчилари орасида ўтказилади. PIPLS (progress in international reading literacy study) - матнини ўқиш ва тушуниш сифатини халқаро ўрганиш дастури бўлиб, Халқаро Таълим Тадқиқоти (ютуқлари) Ассоциацияси (**IEA- International Association for the Evaluation of Educational Achievement**) томонидан ташкил этилган. Ер юзининг турли мамлакатларидаги бошланғич мактаб 4-синф ўқувчилари томонидан бадиий ва ахборот матнларини ўқиш ҳамда ўқиганларини мушоҳада қилиб, тушунишни баҳолаб, таҳлил қилади.

Ўзбекистон давлати ҳам таълимида ислохотларни ривожлантириш мақсадида ҳамда фарзандларимизнинг ўқишга қизиқишини ошириш учун 2018 йил PIRLS халқаро тадқиқотларига қатнашиш учун шартномалар тузилди. 2021 йилдаги PIRLS халқаро тадқиқотида Ўзбекистон илк мартаба қатнашиб, 2022 йил охирига бориб халқаро экспертлар томонидан бошланғич таълимда ўқиш саводхонлиги мониторинг натижалари олинади. Ўқувчиларимизнинг матнни ўқиши ва тушуниши бўйича халқаро таълим билан солиштириш, таҳлил қилиш имкони яралади.

PIPLS халқаро баҳолаш дастурининг ўтказиладиган синовларида Республикаимизнинг қайси ҳудудлари, қайси мактаблар, қайси тилда таълим олувчи, қайси жинсдаги ва қайси ўқувчилар қатнашиши халқаро экспертлар томонидан ўқувчиларининг умумий сонидан келиб чиқиб белгилаб олинади. Халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш бўйича таянч мактабга туманнинг колган мактабларидан бириктирилиб, халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришга қаратилган ўқув-машғулотлари, семинар-тренинглар, давра суҳбатларини ташкил этилмоқда. Ҳар бир тегишли фан ўқитувчилари билан масофадан ишлашни йўлга қўйилди.

Мактабда математик саводхонлик, ўқиш саводхонлиги, табиий-илмий саводхонлик бўйича ўқувчилар клублари ташкил этилди. PISA халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш бўйича ташкил этилган "PISA клублари" да 60 нафар 15 ёшли болалар жалб қилинди ва мунтазам тўғарак машғулотлари олиб борилди. Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланиб, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашиб режалаштирилаётган халқаро тадқиқотларга муносиб иштирок этамиз деган умиддаман.

References:

- ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТАМИЗ Ш.МИРЗИЁЕВ. ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» 2016.
- Ковалева Г.С., Красновский Э.А., "Изучение знаний и умений учащихся в рамках Международной Программы PISA. Общие подходы". Краснокутская Л.П., Краснянская К.А. Центр ОКО ИОСО РАО, Москва 2001 г.